# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚИРҚ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

1. **Қумқўрғон туманида бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисида.**
2. **Туман Давлат солиқ инспексияси бошлиғи З.Турсуновнинг солиқ тушумларининг ўз вақтида ундирилиши, унга оид прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида.**
3. **Халқ депутатлари туман Кенгашининг 25-Оққопчиғой сайлов округидан депутат Қурбонова Амирхол Амановнанинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.**
4. **Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашида бўшаб қолган 25-Оққопчиғой сайлов округига сайлов ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида.**
5. **Бошқа масалалар.**

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг**
**қирқ саккизинчи сессияси**

**ИШ РЕГЛАМЕНТИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Маърузалар учун | - | 15 дақиқагача |
| 2. | Сўзга чиқувчилар учун | - | 3 дақиқагача |
| 3 | Маълумотлар учун | - | 3 дақиқагача |

**XALQ DEPUTATLARI QUMQOʻRGʻON TUMANI KENGASHINING QARORI**

Qumqoʻrgʻon tumani,Oʻzbekiston shoh koʻchasi 1-uy.190900,tel.: (+99876)46-52-511

20__-йил “___”_________ _________-сон Қумқўрғон т.

**Қумқўрғон туманида бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022-йил 29-май куни бўлиб ўтган мажлисида Сенат Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жорий йил май ойида ўтказилиши белгиланган.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022-йил 25-мартдаги VI-43-40-8-114-К/22-сонли қарори билан туманда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди ҳамда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Тумандаги 61 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тасдиқлаб олинди. Ҳар бир ҳудудда фуқаролар йиғини раислигига номзодни аниқлаш ҳамда фуқаролар йиғини раиси сайловига вакилларини сайлаш бўйича кўчалар, қишлоқлар ва овулларда тарғибот ишлари олиб борилди. Ишчи гуруҳлар томонидан номзодлар тавсия этилди.

Қонун талабларидан келиб чиқиб ҳар бир номзод бўйича туман ҳокимининг асослантирилган хулосалари ишчи гуруҳларга тақдим этилди.

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган тартибда чақирилди ва ўтказилиши таъминланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туманда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг якуний хулосаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туманда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Намозовнинг ахбароти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жорий йилнинг 16-майдан, 26-майга қадар тумандаги 61 та маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловининг якунига асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Б.Джумаев:

биринчи марта сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) билан ҳуқуқий билимларни ошириш ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият юритиши билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

жойларда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун талаблари асосида амалга оширилишини таъминлаш;

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгаши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси (М.Намозов) ҳамда Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси (Р.Менгзияева) зиммаларига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Р.Гаппаров**

**Қумқўрғон туманидагиМаҳалла раислари**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Маҳалла номи | Ф.И.Ш, туғилган йили ва жойи, миллати | Фото |
|---|---|---|---|

**Қумқўрғон тумани**

**1-СЕКТОР**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **“Тўғон” маҳалла фуқаролар йиғини** | **БАБАҚУЛОВА**<br>**Шарифа Абдурасуловна**<br><br>1984 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(19.05.2022 й) |
| **2.** | “Қарсақли” маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **УСАНОВА**<br>**Шохиста Шойдуллаевна**,<br><br>1977 йил,<br><br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(16.05.2022 й) |
| **3.** | “Имомтепа” маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **УСАНОВ**<br>**Зафар Рузиевич**<br><br>1987 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br><br>Ўзбек<br><br>(18.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **4.** | “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **ТУРАЕВ<br>Нарзулла Имомович**<br><br>1979 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(21.05.2022 й) |
| **5.** | “Янгиер” маҳалла фуқаролар йиғини | **УРАЗОВ<br>Жуманазар Чукмарович,**<br><br>1963 йил,<br><br>Жарқўрғон тумани,<br><br>Туркман<br><br>(19.05.2022 й) |
| **6.** | “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини | **БОЙМАТОВА<br>Муҳаббат Сафаровна**<br><br>1967 йил,<br><br>Жарқўрғон тумани,<br><br>Ўзбек<br><br>(23.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **7.** | “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини | **ЎРОЗОВ Алламурод Қўйлиевич**, 1964 йил, Жарқўрғон тумани, Ўзбек (24.05.2022 й) |
| **8.** | “Хўжамулки” маҳалла фуқаролар йиғини | **ҚУРБОНОВА Раъно Бозоровна**, 1985 йил, Қумқўрғон тумани, ўзбек (24.05.2022 й) |
| **9.** | “Чаёнтепа” маҳалла фуқаролар йиғини | **АРТИКОВ Худоёр Усанович** 1978 йил, Жарқўрғон тумани, ўзбек (19.05.2022 й) |
| **10.** | “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини | **АЛИЕВ Рустам Намозович** 1985 йил, Қумқўрғон тумани, ўзбек (23.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **11.** | “Умид ниҳоллари” маҳалла фуқаролар йиғини | **ТЎРАЕВ**<br>**Олим Сайдаматович**<br><br>1965 йил,<br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(18.05.2022 й) |
| **12.** | “Жалоир” маҳалла<br><br>фуқаролар йиғини | **ЧОРИЕВ**<br>**Зафар Хуррамович**<br><br>1978 йил,<br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(23.05.2022 й) |
| **13.** | “Нурли диёр” маҳалла фуқаролар йиғини | **ЖЎРАЕВ**<br>**Зиядулла Мамараимович**<br><br>1967 йил,<br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(24.05.2022 й) |
| **14.** | “Уяс” маҳалла фуқаролар йиғини | **Холбаев Абдурасул Абдузорович**<br><br>1981 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(19.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **15.** | “Боболочин” маҳалла фуқаролар йиғини | **АБДУСАМАТОВ Шерзод Уроқ ўғли**<br><br>1987 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(22.05.2022 й) |
| **16.** | “Янги авлод” маҳалла фуқаролар йиғини | **ЖЎРАЕВ<br>Жаҳонгир Исмаилович**<br><br>1990 йил,<br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(20.05.2022 й) |
| **17.** | “Ўзбекистон 5 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғини | **МЎМИНОВ<br>Жаҳонгир Жуманазарович**<br><br>1985 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(18.05.2022 й) |
| **18.** | “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини | **ҚАРОРОВ<br>Қаландар Обидович**<br><br>1970 йил,<br>Жарқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(19.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **19.** | “Сурхон соҳили” маҳалла фуқаролар йиғини | **МУСАЕВ Алижон Комилович**<br>1972 йил, Шўрчи тумани, ўзбек<br>(19.05.2022 й) |
| **20.** | “Улуғбек” маҳалла фуқаролар йиғини | **АЛЛАМУРОТОВА Манзура Маматмўминовна**<br>1974 йил, Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(16.05.2022 й) |

**2-СЕКТОР**

| | | |
|---|---|---|
| **21.** | “Ҳалаки” маҳалла фуқаролар йиғини | **АВАЗОВА Зулфия Абсаламовна**<br>1963 йил,<br>Жарқўрғон тумани, ўзбек<br>(16.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **22.** | “Хўжақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини | **ХОЛЛИЕВА**<br>**Сайёра Эргашовна**<br><br>1971 йил,<br><br>Термиз тумани,<br>ўзбек<br><br>(17.05.2022 й) |
| **23.** | "Янги қишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини | **МАМАНОВ**<br>**Беҳзод Жуманазарович**<br><br>1985 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(24.05.2022 й) |
| **24.** | "Арпапоя" маҳалла фуқаролар йиғини | **ХУШНАЕВ**<br>**Анвар Джамгирович**<br><br>1978 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(19.05.2022 й) |
| **25.** | "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғини | **МЕНГНАРОВ**<br>**Урол Қурбон ўғли**<br>1991 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br><br>Ўзбек<br><br>(18.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **26.** | "Арслонбойли" маҳалла фуқаролар йиғини | **ХУЖАМКУЛОВ**<br>**Аъзам Тилавович**<br>1969 йил,<br>Жарқўрғон тумани, ўзбек<br>(18.05.2022 й) |
| **27.** | "Ачамойли" маҳалла фуқаролар йиғини | **РАЗЗАҚОВ**<br>**Олим Фозилович**,<br>1973 йил,<br>Жарқўрғон тумани, ўзбек<br>(24.05.2022 й) |
| **28.** | "Боймоқли" маҳалла фуқаролар йиғини | **КАРИМОВ**<br>**Русланбек Эламонович**<br>1979 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(19.05.2022 й) |
| **29.** | "Боботоғ" маҳалла фуқаролар йиғини | **БЎРИЕВ**<br>**Ғайрат Қоҳҳорович,**<br>1982 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(24.05.2022 й) |

**Қумқўрғон тумани**

| | | |
|---|---|---|
| **30.** | “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини | **БОБОМУРАДОВ Элмурод Тожиевич,**<br>1979 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(16.05.2022 й) |
| **31.** | “Нефтчилар” маҳалла фуқаролар йиғини | **КАРИМОВА Гавҳар Исмоиловна,**<br>1976 йил,<br>Шўрчи тумани, ўзбек<br>(17.05.2022 й) |

**3-СЕКТОР**

| | | |
|---|---|---|
| **32.** | “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғини | **ЯНГИБОЕВ Фарход Тожиевич,**<br>1986 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(16.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **33.** | “Тўда” маҳалла фуқаролар йиғини | **ХОЛБАЕВ**<br>**Эрали Шотураевич,**<br>1979 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(21.05.2022 й) |
| **34.** | “Шерози” маҳалла фуқаролар йиғини | **МИРЗАТОВ**<br>**Шамсиддин Хасанович**<br>1976 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(21.05.2022 й) |
| **35.** | "Исломобод" маҳалла фуқаролар<br>йиғини | **ХУДАЙҚУЛОВ Маматмумин Абдираимович**<br>1966 йил,<br>Бойсун тумани,<br>ўзбек<br>(17.05.2022 й) |
| **36.** | “Чўкирли” маҳалла фуқаролар йиғини | **ОЛЛАМУРАТОВ Баҳром Ҳамзаевич**<br>1981 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(17.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **37.** | “Оқтом” маҳалла фуқаролар йиғини | **СИДДИКОВ Бобомурод Амиркулович,**<br>1986 йил<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(21.05.2022 й) |
| **38.** | “Пастхам” маҳалла фуқаролар йиғини | **АБДУЛЛАЕВ Чори Аннаматович**<br>1987 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(23.05.2022 й) |
| **39.** | “Каттакўл” маҳалла фуқаролар йиғини | **МАНСУРОВ Нурали Тураевич**<br>1971 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(25.05.2022 й) |
| **40.** | “Кўганли” маҳалла фуқаролар йиғини | **АБДУЛЛАЕВ Толиб Бобохонович**<br>1984 йил,<br>Қумқўрғон тумани, ўзбек<br>(24.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **41.** | “Ариғошган” маҳалла фуқаролар йиғини | **БОЙКУЛОВ Шукурулло Узбекхонович** 1990 йил, Бойсун тумани, ўзбек (20.05.2022 й) |
| **42.** | “Давлатсой” маҳалла фуқаролар йиғини | **НАЗАРОВ Бахтиёр Хонимқулович** 1970 йил, Қумқўрғон тумани, ўзбек (22.05.2022 й) |
| **43.** | “Янги шаҳар” маҳалла фуқаролар йиғини | **ҚУЛАНОВ Муҳиддин Менгқобилович** 1987 йил, Шўрчи тумани, ўзбек (24.05.2022 й) |
| **4-СЕКТОР** | | |
| **44.** | "Меҳробод" маҳалла фуқаролар йиғини | **ХОЛТЎРАЕВ Абдулазиз Алломуродович** 1981 йил, Қумқўрғон тумани, ўзбек (21.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **45.** | "Гултепа" маҳалла фуқаролар йиғини | **КАРИМОВ**<br>**Хайрулла Холтураевич**<br>1980 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(19.05.2022 й) |
| **46.** | "Мунчоқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини | **ЮСУПОВ**<br>**Тўлқин Шайманович**<br>1972 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(19.05.2022 й) |
| **47.** | "Ҳунармандлар" маҳалла фуқаролар йиғини | **МУСАЕВ**<br>**Иссоқ Қурбонович**<br>1968 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(16.05.2022 й) |
| **48.** | "Элобод" маҳалла фуқаролар йиғини | **ЧОРИЕВ**<br>**Соатмўмин Оманович**<br>1975 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(18.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **49.** | "Азларсой" маҳалла фуқаролар йиғини | **САРИЕВ Ботир Амантурдиевич**<br>1984 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(17.05.2022 й) |
| **50.** | "Боғаро" маҳалла фуқаролар йиғини | **КОСИМОВ Алижон Буранович**<br>1965 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(21.05.2022 й) |
| **51.** | "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини | **МАМАНАЗАРОВ Нуриддин Чориевич**<br>1971 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(21.05.2022 й) |
| **52.** | "Жийдали" маҳалла фуқаролар йиғини | **ВАЛИЕВА Салима Хушбақовна**<br>1968 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(16.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **53.** | Қумқўрғон тумани<br><br>"Навбаҳор" маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **ХОЛМАТОВ**<br>**Шокир Дусназарович**<br>1986 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(17.05.2022 й) |
| **54.** | "Беш қахрамон" маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **ХУДОЙҚУЛОВ**<br>**Низом Равшанович**<br>1969 йил,<br><br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br><br>(21.05.2022 й) |
| **55.** | "Янги хаёт" маҳалла фуқаролар<br><br>йиғини | **ЧОРИЕВ**<br>**Бобомурод Каримович**<br>1977 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(18.05.2022 й) |
| **56.** | "Жозиба" маҳалла<br><br>фуқаролар йиғини | **САФАРОВ**<br>**Назар Лолаевич**<br>1986 йил,<br><br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br><br>(23.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **57.** | "Жарқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини | **МАМАРАЖАПОВ Собиржон Тошпўлатович**<br>1979 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(18.05.2022 й) |
| **58.** | "Саховат" маҳалла фуқаролар йиғини | **ОМОНОВ Боҳодир Таджиевич**<br>1981 йил,<br>Қумқўрғон тумани,<br>ўзбек<br>(23.05.2022 й) |
| **59.** | "Тебат" маҳалла фуқаролар йиғини | **ЖУМАЕВ Рустам Саломатович**<br>1966 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>ўзбек<br>(17.05.2022 й) |
| **60.** | "Тайфанг" маҳалла фуқаролар йиғини | **САЛИМОВА Надира Мажидовна**<br>1972 йил,<br>Шўрчи тумани,<br>тожик<br>(21.05.2022 й) |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Қумқўрғон тумани** |
| **61.** | "Хуррият" маҳалла фуқаролар йиғини | **АХМЕДОВ Эргаш Қаршиевич** 1968 йил, Шўрчи тумани, ўзбек (25.05.2022 й) |

**XALQ DEPUTATLARI QUMQO‘RG‘ON TUMANI KENGASHINING QARORI**

Qumqo‘rg‘on tumani,O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy.190900,tel.: (+99876)46-52-511

20__-йил “___”_________ __________-сон Қумқўрғон т.

**Туман Давлат солиқ инспексияси бошлиғи З.Турсуновнинг солиқ тушумларининг ўз вақтида ундирилиши, унга оид прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида**

Туман Давлат солиқ инспексияси бошлиғи З.Турсуновнинг солиқ тушумларининг ўз вақтида ундирилиши, унга оид прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланишт,

халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022-йил I ярим йиллик иш режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туманда маҳаллий бюджет даромадларининг бажарилиш ҳолати, қўшимча резервларни аниклаш ва солиқ қарздорлигини ундириш бўйича қилинган ишлар юзасидан туман солиқ инспекцияси раҳбари З.Турсуновнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари З.Турсунов ўз иш фаолияти юзасидан аниқланаётган муаммолар бўйича ва уларнинг ечими юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгашига мунтазам равишда ахборот тақдим этиб борсин.
3. Тумани давлат солиқ инспекцияси рахбари З.Турсуновга 2022 йил 3 ой якунлари бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қўшимча солиқ манбаларини яратиш борасида 10 кунлик муддатда чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва Кенгаш котибиятига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.
4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохатларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Тўрақулов зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Р.Гаппаров**

**XALQ DEPUTATLARI QUMQOʻRGʻON TUMANI KENGASHINING QARORI**

Qumqoʻrgʻon tumani,Oʻzbekiston shoh koʻchasi 1-uy.190900,tel.: (+99876)46-52-511

20__-йил “___”_________ _________-сон Қумқўрғон т.

**Халқ депутатлари туман Кенгашининг 25-Оққопчиғой сайлов округидан депутат Қурбонова Амирхол Амановнанинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра Халқ депутатлари туман Кенгашининг **25-Оққопчиғой сайлов округидан депутат Қурбонова Амирхол Амановна**нинг яшаш манзили ўзгарганлиги сабабли ўз аризасига биноан депутатлик ваколати муддатидан олдин тугатилсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига қонунда белгиланган тартибда сайлов ўтказиш топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси** **Р.Гаппаров**

**XALQ DEPUTATLARI QUMQOʻRGʻON TUMANI KENGASHINING QARORI**

Qumqoʻrgʻon tumani,Oʻzbekiston shoh koʻchasi 1-uy.190900,tel.: (+99876)46-52-511

20__-йил “___”_________ __________-сон Қумқўрғон т.

**Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашида бўшаб қолган 25-Оққопчиғой сайлов округига сайлов ўтказиш кунини белгилаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи 25-Оққопчиғой сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга депутатлик сайлови 2022 йил 17 июл якшанба кунига тайинлансин.

2.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Қултаев), туман ҳокимининг ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Ё.Менглибаев) ҳамда туман молия бўлими (Ш.Поянов)ларга:

-бўшаб қолган ўринга сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда сайловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш вазифаси топширилсин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (Ў.Холиқов)га бўшаб қолган ўринларга янги депутат сайловини ўтказиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш ва сайловларни Сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш юклатилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Абдусаматов) зиммасига юклатилсин.
5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси** **Р.Гаппаров**